

# O'ZBEKISTON




# OVOZI

IJTIMOIIY-  
SIYOSIIY  
GAZETA

■ 2003-YIL ■ 20-NOYABR ■ PAYSHANBA ■ 135 (27.155) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## Мустақиллик иншоотлари

### Кўприк қурган савобга қолади



Халқимизда савоб олай десангиз. «Кўприк қуринг, йўл солинг, иншоот тикланг», деган гап бор. Чиндан ҳам юртларни юртларга, элларни элларга туташтирувчи кўприк ва йўл қурганинг савобига не етсин!

Хоразмнинг Хазорасп тумани ҳудудига Амударё устига қуриладиган янги кўприк бунёдкорлари ана шундай эзгулик йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Хайқириб оқайтган дарёнинг икки қирғоғини туташтирувчи 660 метр узунликда-

ги маскур иншоот битгач, Хоразм вилояти билан Қорақалпоғистон Республикасидаги

барча йўлларнинг йўловчиларига катта қулайликлар яратилади. Қолаверса, халқ хўжалиги юклари ташийётган юк поездлари, автотранспорт воситалари ҳам келгусида қўшни Туркменистон орқали эмас, бевосита шу кўприқдан — ўзимизнинг ҳудуддан ўтайдиган бўлади. Бу эса мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Йигирма миллиард сўмликдан зиёдроқ лойиҳа қийматига эга бу қурилиш-

да ҳозир республика кўприк қурилиши, Туямўйинсувқурилиши, Хоразм сувқурилиши, Хоразм ирригация қурилиши трестлари ва Хоразм автомобиль жўзлардан фойдаланган ҳолда силни лаборатория усулида ташхис қилишга доир тренинглар ўтказиш давом эттирилади.

❖ ❖ ❖  
**Суратларда:** илғор чилангар Абдурайим Жумабоев; қурилишдан лавҳалар. **Шавкат АКРАМОВ** олган суратлар.



## Тақдимот

### Янги тиббий марказ

Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институтида АҚШнинг касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказлари (СДС), «НОРЕ» лойиҳаси, АҚШ Халқаро ривожланиш Агентлиги (USAID) ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида силни назорат қилиш ва олдини олиш ўқув маркази иш бошлади. Мазкур ўқув марказида маҳаллий мутахассислар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия қилинган DOTS (Бевосита кузатув остида даволаш, қисқа курс) дастурига биноан сил касаллигини ташхис қилишнинг лаборатория усуллари ҳамда мазкур инфекцияни электрон кузатиш ва касаллик ҳолларида қандай чора-

тадбир қўришни ўрганадилар. USAIDнинг «НОРЕ» лойиҳаси томонидан ўқув марказига замонавий лаборатория асбобларининг тўла туркуми, идора жиҳозлари, реактивлар ва лабораторияда ишлатиладиган материаллар тақдим этилди. Океан ортидан етказилган юкнинг умумий қиймати ва бошқа ҳаражатлар 150 000 АҚШ долларини ташкил этди.

Лаборатория мутахассисларини ўқитиш Марказий Осиё минтақасидаги «СДС» фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. «СДС» ва «НОРЕ» лойиҳаси мутахассислари сил ва пульмонология илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда 2000 йил май ойидан то ҳозирги кунга қадар ўтказилган 16 та семи-

нарда 200 нафардан кўпроқ лаборатория мутахассиси қатнашди. Шунингдек, янги ташкил этилган ўқув марказида жиҳозлардан фойдаланган ҳолда силни лаборатория усулида ташхис қилишга доир тренинглар ўтказиш давом эттирилади.

Тақдимотда Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси раҳбарининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Майкл Райнерт, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Марат Ҳожибеков, Марказий Осиё республикаларида силни назорат қилиш бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мувофиқлаштирувчиси Г. Цотт ва бошқалар иштирок этди.

**Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА**

### «ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ»

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати» икки жилдлик босиб чиқарилганига йигирма йилдан ортқ вақт ўтди. Ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 60 минг сўз ва сўз бирикмалари, фан, техника, санъат соҳаларига оид атамаларни, эскича сўзларни ўз ичига олган бу луғат вақт ўтиши билан талабга тўла жавоб беролмай қолди.

— Буни инобатга олиб, 1998 йилда «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни янгидан тузишга

қилинган эди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Азим Ҳожиёв. — Аммо бу илмий жараён маълум сабабларга кўра дастлабки йилларда қийинчилик билан кечди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти тилшунос олимлари сая-ҳаракати билан луғатни яратиш ишлари ниҳоясига етказилди ҳисоб. Янги нашр тўрт жилдан иборат бўлиб, 80 минг сўз ва сўз бирикмасидан ташкил топади.

Бу нуфузли нашрнинг биринчи жилдини шу йилнинг охиригача чоп этиш кўзда тутилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, изоҳли луғат тўла чоп этиб бўлинган, янги ўзбек алифбосида унинг навбатдаги нашри устида ишланади.

Тўрт жилдик нашр ҳозирги ўзбек адабий тилининг меъёрий-изоҳли луғати ҳисобланади. Шунга кўра, у тарихий-этимологик, диалектологик ва матншунослик борасида катта аҳамият касб этади. Шундай қилиб, ўзбек тилшунослиги бўйича мутахассислар, матбуот, радио-телевидение ходимлари ва туркологлар мукаммал луғат нашрига эга бўладилар.

**Ақбар АЛИЕВ**

### ЮКСАК САВИЯДА ХИЗМАТ КЎРСАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раиси Б. Парпиев номига миннатдорчилик мактуби келди. Мактубни Афғонистонда қурбон бўлган немис аскарларининг ота-она ва қариндош-уруғлари номидан Фолькер Бергандер йўлаган эди. Мактубда жумладан шундай дейилди: «Шу йил 23 ва 24 октябрь кунлари Афғон урушида қурбон бўлган немис аскарларининг қариндош-уруғларидан иборат 38 кишилик гуруҳни Тошкентда қабул қилиб олиш ва Қобулга учириб юбориш билан боғлиқ турли ҳужжатларни расмийлаштиришда божхона ходимларининг юксак савияда маданий хизмат кўрсатишганини таъкидлашни истардим. Бизда шундай таассурот қолдики, бундай хизмат кўрсатишлар мустақил Ўзбекистонни яқин келажақда туризм масканларидан бирига айланишидан далолатдир. Тошкент аэропортида бизнинг сафаримиз билан боғлиқ тадбирларга оид чаққон ва маданий муносабатлар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ».

### ЎЗБЕКISTON-ЖСТ: МУЗОКАРАЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

**ТОШКЕНТ (ЎЗА МУХБИРИ Н.ЎЛЖАБОВЕВ).** Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) аъзоллигига қабул қилинишига оид музокараларга тайёргарлик қизғин равишда қўйилган бўлиб амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида мазкур музокараларга тайёргарлик доирасида мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

У «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик битимини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш» дастури кўмағида ташкил этилди.

Республика агросаноат мажмуида бозор ислохотларини чуқурлаштириш илмий-тадқиқот институти директори, академик Р.Хусанов Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида туганган ўрни ва бугунги аҳоли хусусида маъруза қилди.

ЖСТ эксперти Тасис Мучачо мазкур ташкилотга аъзо бўлиш юзасидан ўтказилган музокараларнинг ҳозирги ҳолати ҳақида маълумот бериб, мазкур жараёнда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар хусусида гапирди.

Анжуман иштирокчилари мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиш юзасидан музокараларга Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги тўғрисида зарур маълумотларни тайёрлаш масаласини муҳокама қилди. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиб кириши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларни ўрганиб чиқиш борасида ҳам фикр алмашилди.

— Бу йил ўз наشرларимизга обунани уюшқоқлик билан бошлаганимиз, — дейди ЎзДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Олим Равшанов. — Кенгашимиз маъсۇл ходимлари жойларда бўлиб бу борада катта тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришяпти. Натижалар чакки эмас. Масалан, Қарши шаҳар халқ таълими бўлими маорифчилари сая-ҳаракатлари билан тасаруфларидаги 43 та мактаб, 48 та болалар ва бошқа ўқув-тарбия муассасаларида «Ўзбекистон овози» газетасига бугунгача 200 нусха обуна бўлишди. Худди шундай уюшқоқликни Чироқчи, Қарши туманларида ҳам қўришингиз мумкин...



### ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

**ТОШКЕНТ (ЎЗА МУХБИРИ Фазлиддин Арзиев).** Мамлакатимизга ташриф буюрган Япония ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, Бош вазирнинг «Катта саккизлик»даги шахсий вакили Ичиро Фужисаки 19 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўтқир Султонов билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқалар турли соҳаларда изчил ривожланиб бо-

раётгани таъкидланди. Томонлар ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга оид масалалар хусусида фикрлашди.

Меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирини Содиқ Сафоев билан бўлган учрашувида ҳам Ўзбекистон — Япония муносабатларининг бугунги аҳоли, минтақавий хавфсизлик, хусусан, Афғонистондаги вазиятга оид масалалар муҳокама қилинди.

### ОЛИЙ МАЖЛИСДА

**ТОШКЕНТ (ЎЗА МУХБИРИ Турсунбой Ботирбеков).** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислох қилиш масалалари ва тадбиркорлик кўмитасида «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторни янада ривожлантириш ва мамлакатда мулкдорлар синфини шакллантириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис депутатлари, Адлия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси ходимлари, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, мутахассислар иштирок этди.

Парламент кўмитаси раиси М.Умаралиев бошқарган мазкур йиғилишда Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясида бирин-

чи ўқишда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган кундан буюн ўтган ўн ой мобайнида қимматли қозғолар, кўчмас мулк, жумладан, корхоналарнинг мулкдорлари ҳамда ер участкаларига умрбод мерос қолдириш ҳуқуқи билан эгаллик қилувчи мулкдорларнинг сони кескин ошди.

«Хусусий корхона тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторни янада ривожлантиришда муҳим омил бўла-

ди. Қонун хусусий корхоналарнинг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигининг ҳуқуқий шарт-шароитлари ва кафолатларини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, Қонун лойиҳасига бизнинг амалиётда биринчи марта хусусий корхона муассисига икки томонлама солиқ тўламаслик имконини берувчи алоҳида меъёр киритилган. Хусусий корхоналар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида хусусий корхона мулкдорининг ўз контрагентлари олдидаги жавобгарлиги оширилган.

Парламент кўмитасига номи зикр этилган қонун лойиҳаси бўйича вазирлик, идора ва ташкилотлардан 130 га яқин таклиф ва мулоҳаза келиб тушди. Йиғилишда улар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

### ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида ConsumerExpo, FoodExpo ва AgroFoodMash Uzbekistan — 2003 саккизинчи халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади. Кўргазма ташкилотчиси АҚШнинг TNT Productions, Inc. компанияси ҳисобланади.

Халқаро кўргазмада саккиз давлат — Қозғистон, Россия, Хиндистон, Сингапур, Польша, Тайбей ва Хитой мамлакатларининг 40 га яқин компанияси иштирок этмоқда. Мазкур кўргазманинг ўтказилиши истеъмол бозорига янги маҳсулотлар пайдо бўлиши ва замонавий технологияларнинг ҳаётга татбиқ этилишини тезлаштиради. Кўргазманинг асосий мақсади озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириб Ўзбекистон истеъмол бозорининг янгилаштиришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу компания сўнгги 15 йил давомида 200 дан зиёд кўргазмани АҚШнинг йирик шаҳарларида ўтказди. 1987 йилдан буюн эса МДҲ давлатларида давом эттирмоқда.

Бугун пойтахтдаги «Ўзбекистон» сув спорт саройида синхрон сузиш бўйича «Сув париси» аънавий халқаро турнири бошланади. Туртинчи мартабта ўтказила-

Халқаро кўргазмада саккиз давлат — Қозғистон, Россия, Хиндистон, Сингапур, Польша, Тайбей ва Хитой мамлакатларининг 40 га яқин компанияси иштирок этмоқда. Мазкур кўргазманинг ўтказилиши истеъмол бозорига янги маҳсулотлар пайдо бўлиши ва замонавий технологияларнинг ҳаётга татбиқ этилишини тезлаштиради. Кўргазманинг асосий мақсади озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириб Ўзбекистон истеъмол бозорининг янгилаштиришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу компания сўнгги 15 йил давомида 200 дан зиёд кўргазмани АҚШнинг йирик шаҳарларида ўтказди. 1987 йилдан буюн эса МДҲ давлатларида давом эттирмоқда.

Кўргазмани Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжалиқмаш-холдинг», «Ўзмеваасабзавотузумсаноат холдинг» компаниялари қўллаб-қувватламоқда. Ушбу кўргазма юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишда узига хос аҳамият касб этади.

Турнида жаҳон чемпионати ва халқаро турнирлар совриндорлари Марина Абрашқина, Эльмира Муборакшина, Дарья Можаева, Наталья Корнеева сингари моҳир сузувчиларимиз юртимиз шароитида ҳимоя қиладилар. Мусобақа ғолиблари 22 ноябрда аниқланади.

### ТОШКЕНТДА «СУВ ПАРИСИ»

Бугун пойтахтдаги «Ўзбекистон» сув спорт саройида синхрон сузиш бўйича «Сув париси» аънавий халқаро турнири бошланади. Туртинчи мартабта ўтказила-

### «Обуна — 2004»

### «ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» СИЗ БИЛАН



2004 йил учун газета ва журналларга обуна мавсуми қизғин паллага кирди. ЎзДП Қашқадарё вилоят кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда «Ўзбекистон овози», «Голос Ўзбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журнаliga обунани ташкиллаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Бу йил ўз наشرларимизга обунани уюшқоқлик билан бошлаганимиз, — дейди ЎзДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Олим Равшанов. — Кенгашимиз маъсۇл ходимлари жойларда бўлиб бу борада катта тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришяпти. Натижалар чакки эмас. Масалан, Қарши шаҳар халқ таълими бўлими маорифчилари сая-ҳаракатлари билан тасаруфларидаги 43 та мактаб, 48 та болалар ва бошқа ўқув-тарбия муассасаларида «Ўзбекистон овози» газетасига бугунгача 200 нусха обуна бўлишди. Худди шундай уюшқоқликни Чироқчи, Қарши туманларида ҳам қўришингиз мумкин...

Мамлакат Қодирова. — Унда нафақат партия ҳаёти, Ватанимиз маорифчилари ҳаёти ва фаолияти ҳам кенг кўламли ёритилади. Шу боис, ҳар обуна мавсумида ўз касбдошларимни унга ёзилишларини маслаҳат берман.

Ҳар тонг телевизорда газеталар шарҳи билан қисқача танишувдан сўнг «Ўзбекистон овози» етиб келишини интизор қутган вақтларимиз кўп бўлади. Ўйлаймизки, таҳририят жамоа-

си бизни келгуси йил ҳам ўқишли материаллари билан хурсанд этади.

— Газетага обуна бизда ҳеч қачон қанда бўлмаган, қанда бўлмайди ҳам, — дея суҳбатимизга яқун ясади Қарши шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи

Қаҳрамон Боймуродов. **(Ўз мухбиримиз)**

❖ ❖ ❖  
**Суратларда:** халқ таълими бўлими бошлиғи М.Қодирова (ўртада) ҳамкасблари билан; Қарши шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Қаҳрамон Боймуродов ва ўринбосари Ўқтам Қурбонвалар газетани танишмоқда.

**Абдурусул ПАРДА** олган суратлар.



**ХАЛҚ БАНКИ** — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

**БИЗНЕС БАНК** ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА



И нельзя не признать, что они отчасти правы. Их культура древнее и по местным условиям целесообразнее нашей. Она достаточно при том самобытна и отвечает всем изгибам народной души. Что ожидает эту культуру в будущем, сказать трудно. Разумеется, европейские идеи рано или поздно пробьются в ее твердые многочисленные бреши, но это произойдет не без борьбы, в которой видная роль будет принадлежать сильной и многочисленной сартовской интеллигенции, — т.е. знатокам шариа и мистикам, — этим носителям и стареющим национальным идеалам. Заметим, что у киргиз такая интеллигенция еще не сложилась, и киргизская нация в ее целом находится в настоящее время под несомненным влиянием сартовской идейной культуры» (№28, стр.139).

# ТАНИШ

чи Чингиз Айтматовнинг «Хаёт дарахти» («Дерево жизни») деб номланган мақола-сидеда айтилган фикри ёдга олинг. Дунёга машур адиб ушбу маданиятнинг шаклланишига кўна Византия цивилизацияси қанчалар кучли таъсир кўрсатган бўлса, Урта Осиё ва Қозғистон халқларининг маданий жиҳатдан оёққа туришида ўзбек халқи маданияти шунчалар катта роль ўйнаганини миллатдор айтиб ўтганди.

Ушбу, Юсуфбек ҳожибек миллат отасининг фарзанди, жуда ёшлигидан юртпарварлик руҳида тарбияланган Отабек бу гаплардан беҳабар эдимиз? Ёки, XX аср бошида, «ўрис бўйиндирғи»дан қутилиш имконияти тузилган паллада, ўзаро «сен — ҳади» ва «сен — қадим» дея, «сен — босмачи» ва «сен — қизил» дея бир-бирининг гўштини ея бошлагани, бу билан «келгуси насллар бўйнига» энди шўро бўйиндирғи илинишига йўл очётган, «ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширгучи» замондошларини, айна тимсоллар ибрати орқали фақат уйқосини уйғотишни истаган Абдулла Қодирий бу ҳақиқатни билмас эдимиз?

Билар эди! Билганда ҳам жуда чуқур билар эди! Унда яна ўша савол: Отабекнинг «ўрис шаҳарлари» тўғрисидаги гапларини қандай тушуноқ керак? Оддийгина тушуноқ керак. Яъни, Отабек Шаймага не мақсадда борганидан келиб чиққоқ, унинг сўзларига холисроқ назар ташламоқ лозим, холос.

Маълумки, Отабек йирик савдогар эди. У нафақат Туркистон ўлкасининг турли бурчаларига, балки Русия худудига ҳам катта миқдорда мол олиб бориб, улгуржи савдо муносабатларига киришарди. Тасаввур қилиш қўйин эмаски, Отабек Шаймада турли савдо қантораларига иш билан қираб, келтирган молларини сотиш, айирболаш, сақлаш, гаровга қўйиш сингари савдо операцияларида иштирок этарди. Шериклар ўртасидаги олди-бердида оғзаки келишувлару қуруқ ваъдалар эмас, балки бажарилиши мажбурий бўлган шартномалар тузардики, бу нарса савдо ишларининг ортиқча югур-етимсиз, тез ва ўз вақтида битишини таъминларди. Шу туфайли ҳам Отабек «ўриснинг бу идора ишларини қўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчиқ бўлганлигини иқдор этишга мажбур» бўлади. Агар Отабек Русияни босиб ўтиб, ўша пайтдаги Оврупо давлатларини ҳам кўрганида эди, уларниқига нисбатан энди «ўриснинг идора ишлари бир ўйинчиқ» ҳолда эканини иқдор этиши ҳам табиий бўларди...

Демокчимизки, Отабекни ҳавасланган руснинг «хукуматдорлиги» — давлат идора ишларидаги ижобий маънодаги бюрократ тизимидан бошқа нарса эмасди. Ватанида бу борада ҳукм сураётган тартибсизликлардан озурда бўлган Отабек, ўз юртида ҳам «ўриснинг идора тартиби дастуруламал» — иш юритиш соҳасида қанда бўлишини истайди. («Туркестанские ведомости» газетаси ходимлари тили билан айтганда — «Охотно заимствуем от нас практические мелочи внешней обстановки!») Бу истакнинг руҳий-маънавий қадриятларга мутлақо дахли йўқлигини шундан ҳам билсак бўладики, Отабекнинг бу озуларини хон томонидан «барча элга ёрлик ёзиб буюриш билан бир ой ичида» амалга ошириш мумкин. Агар гап халқнинг маънавий қадриятлари, турмуш тарзи, маданий кўникмалари, менталитети устида борганда, ислоҳот усули ҳам, уни амалга ошириш мuddатлари ҳам бошқача бўлишига Отабекнинг ақли орғи билан етарди.

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий ўз миллатини жуда яхши танирди. Бундан ташқари, у «Темур Кўрагон каби дохийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Ибн Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари, бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагучи»ларни ҳам танир, «болаларнинг муқаддас гавдаси» дафн қилинган она юртини «тўнғузхона» қилишга ҳозирланган барча кучларга нафрати зўр эди. Шу туфайли ҳам, Шаймада кўрганларига ҳар қанча ҳавас қилмасин, Отабек «Олмота устидаги ўрус билан тўқунишма»да биринчи сафни олади ва қахрамонона уришиб шаҳид бўлади.

Раҳмон ҚўЧҚОР

Уйлашимизча, Абдулла Қодирий яна бошқа нарсаларни ҳам билган. Жумладан, 1853 йилда Туркистон истилосининг дастлабки нишони — Қўқон хонлигининг шимолий-ғарбий қўргони Оқмасжид шаҳрига Оренбург генерал-губернатори В.А.Перовский бошчилигидаги босқинчи қўшин ҳужум қилади. (Бундан ярим йилгина аввал — 1852 йилнинг октябрида эса бу ваҳший ёвдан беҳабар хонлик худудига Юсуфбек хожини қон қақшатган биродар-қушлик уруши — «қипчоқ қирғини» бошланганди.) Қўқондан ёрдан келишидан уминдини узган Оқмасжид ҳимоячилари охириги томчи қони қолғунча душманга қарши уришади. Энг оғир паллада шаҳар ҳимоясига раҳбарлик қилишни Тошкентдан борган Отабек исмили жўмард одам ўз қўлига олади ва тенгсиз олишувда қахрамонларча ҳалок бўлади.

Энди уйлаб кўрайлик. Роман қахрамонига айнаган Отабек исмининг танла-ниши тасодифиймикан? Агар шундай десак, бошқа бир мутаносибликни қандай изоҳлаймиз? Ёдингизда бўлса, Отабекнинг суюкли ёри Қумушбиби 1269 йил ҳижрийда қундоши томонидан заҳарлаб ўлдирилди. Агар бу санини миллодийга ўғирсак, бу фоҳиа ҳам Оқмасжид қалъаси ёв қўлига ўтган 1853 йилда содир бўлганини кўраимиз...

Демак, адиб талқинчи, Отабек қалбида жисму жонини фидо қилишга арзигулик икки буюқ муҳаббат яшарди. Унинг бири — Қумуш севгиси эди. Илгитинг бошига бу муҳаббат не қўйларни солмайди. У номдрларча чакув ортидан дор остига ҳам бориб келади, бир эмас, у нафар каллақесар билан мардларча юзма-юз олишувга ҳам чиқади. Афсуски, унинг пешонасига биринчи муҳаббати — Қумуши сигмайди. Кейин эса Ватан ва миллат ишки йўлида Отабек азиз жонини қурбон қиладди...

Ҳа, Абдулла Қодирий миллатни танирди, халқ ўтмиши билан боғлиқ жуда кўп нарсани биларди. Энг муҳими, у ўзи билган ва эътиқод қўйган гоёларига, аввало, ўзи амал қилар, қанчаларни ҳам ўтган қунлардан сабоқ чиқариб, мамлакат ҳаётини тузатишга қорлаганди. Зеро, халқнинг шавқатли тарихини библиш, у билан гурурланиш, тарғибу ташвиқ қилиш юрт фидойилигини бир қаноти бўлса, унга ўзи ҳам муносиб фарзанд бўлиш, миллат гурурига гурур қўшадиган ишларни бугун ҳам амалга ошириш ва юрт доврғини қайтадан оламга ёйиш унинг иккинчи қанотидир. Умид қиламизки, замондошимиз қалбида ҳам Қодирийнинг, Юсуфбек хожининг, Отабекнинг эътиқоди ва ибрати безавол яшайди.

Раҳмон ҚўЧҚОР

## МАХСУС КОМИССИЯ ТУЗИЛДИ

Франция Президенти Жак Ширак мамлакатда антисемитизм (ирқий шовинизмнинг энг ашаддий турларидан бири) кўринишлари устидан назорат қўйирилишини талаб қилди. Антисемитизмга қарши кураш юзасидан тузилган махсус комиссияни бош вазир Жан-Пьер Раффарен бошқаради. Комиссия ҳар ойда ҳисобот бериб туради.

Би-би-си берган хабарга кўра, кейинги уч йилда мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида яҳудийларга қарши ҳужумлар уюштирилиши тез-тез содир этилмоқда.

## ЭЛЧИ ВАЗИРАСИДАН БЎШАТИЛДИ

Мексика Ташқи ишлар вазирлиги мамлакатнинг БМТдаги элчиси Адольф Агилар Зинсерни антиамерика мухоза-ратлари учун эггалла турган лавозимидан бўшатди, дейилади Associated Press агентлиги ахборотида.

Гап шундаки, элчи жаноблари 11 ноябрь куни Мехико университетини талабалари ҳузурда чиқиш қилар экан, АҚШни Мексикага нисбатан «молхона»га мурожаат қилган-дек муносабатда бўлаётганликда айблади.

Элчининг истеъфоси ҳақидаги қарор мамлакат Президенти билан келишилган ҳолда амалга оширилди.



## ПРЕЗИДЕНТ СЎРОҚ ҚИЛИНДИ

Литва бош прокуратураси терговчилари республика Президенти Роландас Паксасни ўз иш жойида сўроқ қилди, дея хабар беради «Коммерсант» газетаси.

Сўроқда давлат вақтинчалик адвокатдан ташқари Президентга таъйик ўтказганликда айбланётган россиялик бизнесмен Юрий Борисов ҳам қатнашди.

Маълумки, Президент ва атрофидогиларнинг жиноятчилар гуруҳига алоқадор бўлиши мумкинлиги гумон қилиниб, бу иш юзасидан 3 ноябрь куни тергов ишлари бошланган эди. Ҳозирча Паксас гувоҳ сифатида қатнашмоқда. У прокуратура саволларига жавоб беришдан бош тортиши ҳам мумкин.

Лекин шунга таъкидлаш лозимки, сейм (парламент)нинг консерваторлар ҳамда либерал-центристрлар фракциялари ва парламент спикери раҳбарлигидаги социал-либераллар Паксасни рус мафиясига алоқадорликда айбламоқдалар ва улар импичментга эришиш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Келгуси йил баҳорда навбатдаги президент сайловлари бўлиб ўтади. Ҳозирча асосий даъвогар мамлакатнинг собиқ бош прокурори, сеймнинг ҳозирги спикери Артурас Пауласкас ҳисобланади. У давлат раҳбарининг барча телефон сўзлашувларини махсус хизмат томонидан ёзиб олинишини Конституция даражасида «мих»лаб қўйиш таклифи билан чиққан.

Республика давлат хавфсизлиги департаменти томонидан йирилган маълумотларда айтилишича, Президентнинг сайлов кампаниясида асосий ҳомий бўлган «Авиа Балтика» компанияси раҳбари Юрий Борисов Президент девонидаги расмий лавозимлардан бирини беришни Паксасдан талаб қилган.

Тергов масалалари билан шуғулланётган сеймнинг махсус комиссияси мазкур иш юзасидан 1 декабрь куни ўз ҳукмини эълон қилади. Президентнинг қанчалик айбдор ёки гуноҳкор эмаслиги ўшанда маълум бўлади.



## ФРАНЦУЗЛАР ТЕЖАМКОРДИР

Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ичида французлар тежамкорлик бўйича ҳануз биринчиликини бермай келмоқда, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида.

Яқинда эълон қилинган статистик маълумотларда қайд этилишича, ҳар бир француз ойлик маош ва бошқа даромадлардан ортқизиб, ҳар ойда ўртача 16,7 фоиз маблағини банкка қўяр экан.

Французлардан кейинги ўринни немислар ва италияликлар эгаллаган, яъни улар даромадининг ўртача 16,2 ва 16 фоизини банкка қўядилар.

Бельгияликлар эса — 15 фоиз, испанлар — 12, португаллар — 10, финлар — 7,4 фоиз даромадини захира учун жамғариб қўядилар. Бу борада англияликлар энг паст кўрсаткичга эга экан, яъни атиги 5,1 фоиз. Уларнинг нега бундай ҳам жамғаришига бошқа сабаб ҳам бор.

Маълумки, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар орасида Буюк Британияда анча қимматлилик ҳўқурмон. Шунинг учун ҳам даромадининг каттагина қисмини турар-жой ва коммунал хўжалик харажатлари «еб» қўяди. Натижада жамғарма учун ҳеч вақо қолмайди. Французларда эса аксинча. Ҳатто улар Европа Иттифоқига аъзо давлатлар орасида акцияларга эгаллик қилиш жиҳатидан ҳам етакчиликини қўлдан бермай келаётир. Бугунги кунда ҳар бир француз ўртача 3 минг евролик қимматли қўғоз бундайга айланган. Бу борада эркаклар ўз жамғармасининг 19,7 фоизини акциялардан келган даромад орқали шакллантирса, аёллар эса 12,6 фоизини худди шу йўл билан топади.

## МАФИЯГА АЛОҚАДОРЛИКДА ГУМОН ҚИЛИНИБ...

Мингдан ортиқ полиция иштирокида Италия жанубидаги Калабрия музофотида ўтказилган рейд давомида 125 киши мафияга алоқадорликда гумон қилиниб, қамоққа олинди. Улар орасида маҳаллий ҳокимиятнинг собиқ вакиллари, музофотнинг собиқ шаҳар мэра-

ри ҳам бор. Associated Press агентлиги хабар беришича, улар гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланганликда ҳамда давлат ҳокимиятига қарши жиноятлар уюштирганликда айбланмоқдалар.

## ОРАЛИҚ МАСОФА — 300 МЕТР



АҚШ федерал авиация маъмурияти мамлакат худудига парвозни амалга оширувчи фуқаро авиацияси учун янги тартиб жорий этмоқчи. Унга кўра, — дейилади NBC News сайтидаги хабарда, — самолётларнинг ҳаво йўлақларидаги оралиқ минимал масофа аввалгидек 700 метр эмас, балки 300 метр қилиб белгиланади. Яъни, энди парвоздаги самолётлар (9 дан 12 километргача бўлган бандликда) бир-бирига 300 метргача яқинлашиши мумкин. Бу эса парвоздаги хавфсизлиқни оширишга, устомонлик билан ҳаракат қилишга имконият яратди. Бундан ташқари, ҳаво йўлақларининг бир-бирига яқинлашуви қўшимча йўлақлар ва йўналишлар очилишига шароит туғдиради.

Энг асосийси янги қонда авиаконпаниялари ўз самолётларини замонавий ускуналар билан жиҳозлашга мажбур этади. Ушбу янгилик 2005 йил 1 январдан кўчага чиқарилди.

## WINDSTAR АВТОМОБИЛЛАРИ ЧАҚИРИБ ОЛИНАДИ

Автомобиль ишлаб чиқарувчи Ford компанияси маъмурияти 2001-2003 йиллар давомида ишлаб чиқарилган ва аллақандар ўз харидорларини топиб кетган Ford Windstar русумли автомобилларнинг 343250 тасини дунё бўйича чақириб олмақчи.

Сабаб: яқинда АҚШ хавфсизлик ҳаракати миллий маъмурияти (NHTSA) ўтказган синов натижалари учинчи қатордаги ўриндикларда носозликлар борлигини кўрсатди. Маълум бўлишича, агар автохалокат содир бўлса, ушбу ўриндиклар жойидан қўзғалиб кетаркан. Бу эса йўловчилар хавфсизлигига таҳдид солади. Бундан ташқари, иккинчи қатордаги ўриндикларда ҳам носозликлар аниқланган.

Reuters хабарига кўра, автомобильларни чақириб олиш ойнанинг охирида бошланади. Барча носозликлар Ford компаниясининг қўлидаги дилерлари томонидан текинга созлаб берилади.



## ДИҚҚАТ, ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрь кунги фармойишига асосан 20 ноябрдан 20 декабргача республикада «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» эълон қилинади. Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад халқ ҳўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнгин хавфсизлиги тадбирларини қўйиштириш орқали ёнгинлар ва улар оқибатларини кескин қисқартириш, фуқаролар орасида ёнгин хавфсизлиги талаб ва қондаларини кенг тарғиб қилиш орқали одамларни ёнгин офатларидан огоҳлантиришдир.

**Азиз ватандошлар!** Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси Сизлардан ёнгин хавфсизлиги талаблари бажарилишига жиддий эътибор беришларингизни сўрайди ва таъкидлайдики, ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш билан Сиз давлат ва шахсий мулк-кингизни ёнгин офатидан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилишида фаол иштирок этганларга аввалдан миннатдорчилик билдиради.

## Анжуман ҲАМКОРЛИК

Мамлакат иқтисодий кучдорлигини ошириш ҳар бир жисмоний ва юридик шахс томонидан тўланаётган солиқларга боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимизда 300 мингга яқин юридик, 170 мингдан ортиқ жисмоний шахслар фаоллик кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бирини интизомли солиқ тўловчига айлантириш иқтисоднинг стратегиясига кирди. Бу борада соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, шу жумладан, янги яратилаётган қонун ва қарорлар билан кенг оммани таништириб бориш ва солиқ тўловчиларнинг хабардорлигини ошириш мумкин. Албатта, бу борада оммавий ахборот воситалари кучидан фойдаланиш яхши самаралар беради.

Кўни кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказилган табиқот анжумани шу масалага бағишланди. Тадбирда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш учун даромадга солинадиган солиқлар юқини енгиллаштириш бўйича савол-жавоблар бўлди. Шунингдек, журналистлар янги даромадди декларациялаш бўйича тайёрланаётган қонун лойиҳаси ҳўжатларидан хабардор қилинди. Анжумани қўмита раисининг биринчи ўринбосари Эркин Гадоев олиб борди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

## Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг СОХТА ГУВОҲНОМАЛИ... УЧУВЧИЛАР

Гоҳ-гоҳида «фалончининг ҳайдовчилиги гувоҳномаси сохта экан, ўқумасдан гувоҳнома олганмиш», деган гап-сўзларни эшитиб қоласан. Ахир машина ҳайдашни яхши ўрганмай, сохта гувоҳнома билан рулга ўтирган кимса айни автофалокат манбаи-ку! Буни қарангки, нафақат машина, балки... самолёт бошқариш ҳўқуқини ҳам сохта гувоҳнома билан қўлга киритиб юрганлар бор экан!

8 апрель кун «Фаргона — Боқу» йўналиши бўйича учинчи лозим бўлган «АН-24» русумли транспорт самолётининг экипаж командири Абдумутал Оразибоевнинг учинишга рухсат этилмади. Фаргона транспорт прокуратураси ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган рейд давомида унинг номига ёзилган 1-ТА 003081 рақамли гувоҳ-

нома қалбаки эканлиги аниқланди. А.Оразибоев Россия Федерациясининг Балашов шаҳридаги Олий ҳарбий авиация учувчилари билим юртини тугаллаган. Мутахассислиги учувчи-муҳандис. Ҳарбий қисмларда анча мuddат ишлаб, истеъфога чиққан, ўзига яраша обрў-эътиборли одам. Лекин, фуқаро авиацияси самолётларини бошқариш ҳўқуқини йўқ бундай малакага эга эмас эди.

Узининг айтишича, 1999 йили у Балашов шаҳрида эски таниши Н.Демченкони учратиб қолди. Гапдан гап чиқиб А.Оразибоев ўзининг фуқаро авиацияси самолётларини бошқариш орузси борлиги, лекин бошқариш ҳўқуқини берувчи ҳўжжати йўқлигиндан ўқинди.

Бу гувоҳномани олиш учун Украина Республикаси транспорт авиацияси департаментига қарашли махсус курсларда ўқиш, сўнг синов имтиҳонини топшириш керак эди. Бу эса осон эмас. Н.Демченко дўстининг «дарди»ни эшитиб, ёрдан беришга ваъда қилди.

Чиндан ҳам Н.Демченко ваъдаси устидан чиқди: 2001 йил бошида А.Оразибоев фуқаро авиацияси самолётларини бошқариш ҳўқуқини берувчи сохта ҳўжжат эгаси бўлиб олди. Минг афсуски, бу ноҳуш ҳол ягона эмас экан. Мирмуҳсин Чўнов, Соҳибжон Исоқов сингари фуқаролар номига расмийлаштирилган учувчилик гувоҳномалари ҳам текширувда сохта чиқиб қолди. Берилган гувоҳномалар ҳақиқийлигини аниқлаш мақсадида «Укравиатранс» департаментига сўровнома юборилганда у таъшиқолдан юқоридоги шахсларга бундай гувоҳномалар берилмаганили ҳақидаги расмий маъ-

Баҳодир МАМАТОВ, Фаргона транспорт прокуратурининг катта ёрдамчиси, Элмас ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Журнал, сени ўзлаштириб келишим...

КЎЗТУМОР

Демиллар, дунёда қиз бола учун Душман бўлар эмиш хусни аввало. Юртим, ахир сени ўйламай нечун, Тенгиз чирой бермиш Тангри таоло.

Демиллар, дунёда шундай зотлар бор, Борни кўролмади, йўққа беролмас. Юртим, неъматинг ҳам бисёрдан бисёр, Бир ёнда суқ бўлса, бир ёнда ҳавас.

Демиллар, дунёда ҳасад ҳам иллат, Унинг йўлини боғлаб, қилгиллар ирим. Юртим, дарвозагнда майли бир фурсат, Қаниди, кўзтумор бўлса шеърим.

МЕНИНГ ҲАСРАТЛАРИМ

Менинг ҳасратларим, Сизлар бунча кўп. Инон-ихтиёрим кўлга олгансиз. Гоҳи ёлғиз-ёлғиз, гоҳида тўп-тўп, Гўё туғишганим бўлиб қолгансиз.

Бирингиз — боландан яралган ҳасрат, Оғрийсиз — эвасиз юрак бағримни. Бирингиз ҳасаддан қолган жароҳат, Ичимга ютганман захримни.

Бирингиз — оғамдек илтифот этиб, Лекин беғонасан, деган сўздансиз. Бирингиз эрта-кеч заволим кутиб, Ёвуз ният билан боққан кўздансиз.

ОСТОНАМИЗ ОЗОДА БЎЛСА...

Биз яшаётган манзил — қишлоқ, маҳалла, кўча шу ердаги одамлар ҳақида ҳикоя қилади. Остонасига қараб хонадон соҳибига баҳо берилади

Ҳа, озодалик ва ободлик тушунчаси замирида теран ижтимоий маъно бор. Бу ҳар бир инсоннинг қалбида, онгида кечади, уйғонади.

Биз ҳикоя қилаётган Тўқмангит қишлоғидаги ширкат хўжалигида мевали дарахт кўчатлари етиштирилади. Маэкур хўжалик миришқор бобон, узок йиллар раҳбарлик қилган Темир Мирзаев номи билан аталади. Газ ва ичимлик сув тармоғи, мактаб, болалар боғчаси, қариялар чойхонаси ва бошқа маъмурий бинолар у раҳбарлик қилган даврда қурилган.

Йиллар ўтгани сайин кўлга киритилган муваффақиятлар инсон номи билан боғланиб қоларкан. Кейинги раҳбарлар даврида ободончилик ишларига пўтур етди. Яхши ишлов берилмаган, сувсиз қолган боғлар ҳосилдорлиги камайиб кетди. Довруғи бутун мамлакатга таралган Темир Мирзаев ширкат хўжалиги эндиликда виллоятнинг яримига ҳам кўчат етказиб беришга кўриб етмаётган.

Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қосимжон Ашуров хузуридан. Ёш, шу вазифада ишлаётганига эндигина учинчи йил тўлапти. Аввал коллежда дарс берди, меҳнатсеварлиги, ишга янгича муносабати тўғриси тезда одамлар назарига тушди. Қосимжон билан у ёқ-бу ёқдан гурунглаган киши бўлиб, қишлоқлардаги ободончилик, Богобод қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан одамларга кўрсатилаётган ёрдам ва

бошқа ишлар ҳақида суриштирдим. — Фуқаролар йиғини худудида 8 та қишлоқ бор. Уларнинг бари газлаштирилган. Ичимлик сув масаласи ҳам деярли ҳал қилинган. Йўллар асфальт. 1225 та оилада 7 миң аҳоли яшайди. Имон борица ҳар ойда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бераёلمиз. Ёлғиз, қаровчиси йўқ кексалар хўжалик фаоллари томонидан ҳимояга олинган бўлиб, доимий ёрдам кўрсатиб борилади. Бу ҳақда қишлоқ фуқаролар йиғинининг қарори қабул қилинган, — дейди Қосимжон Ашуров.

Дунёда битмас-туганмас нарсаси йўқ. Ҳар нарсанинг чеки-чегараси бор. Шунингдек, табиий бойликларнинг ҳам. Инсон учун керакли, моддий ҳаёт учун зарур неъматларга тежамкорлик билан ёндашиш ҳар вақт яшаш талаби бўлиб келган. Баъзан кўзингиз тушиб қолади: қишлоқ, маҳалла кўчаларида кундузи ҳам электр чироклари ўчирилмайди ёки водопровод жўмрақларидан сув оқиб ётади. Кўрянгизки, ўзимиз учун зарур бойлик беҳуда исроф бўлади.

Уйлаб қолсан киши, нега кўчаларга, оқиб турган ариқ ёқаларига ахлат, чиқинди тўкиб, атроф-муҳитни ифлослантирамиз? Бу билан ҳаёти-мизни таъминлаб турган табиятга зиён етказмаймизми? Айрим одамларнинг қилмишидан ҳафа бўлиб кетасан, киши. Бу камчилик болалардан кўра кўпроқ катталарга хос. Болага ўргатилиши зарур

Янги шеърлар



Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

Бирингиз туну кун тарқатиб миш-миш, Дўстларим орасин бузганлардан доғ. Бирингиз қўлимдан еб туриб эмиш, Нишонч ришталарин узанлардан доғ.

Қочган ҳам, қувган ҳам Ҳудойим дермиш, Ҳар кимнинг орзуси — эгарланган от. Дунёда кўрганинг — кўрулик эмиш, Балки бут эмасдир ҳасратсиз ҳаёт.

Майли, синовларга дуч келай ҳар он, Розман, бахш этдинг ҳаёт нустратин. Лекин раво кўрма, Тангрим, ҳеч қачон, Фарзанд ҳасрати-ю, Ватан ҳасратин.

ДАВРА

Улар дон эдилар — сомонлашдилар, Бир бутун эдилар — томонлашдилар. Аввал ёмонлашди подшохи роса, Сўзгера бир-бирларин ёмонлашдилар.

ТИББИЁТДАГИ ҲАМКОРЛИК

АНДИЖОНДА МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК ОПЕРАЦИЯСИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛДИ

Республика «Шошилиқ тиббий ёрдам» илмий маркази виллоят филиалида инсон миёсидаги ўсмани олиб ташлаш бўйича мураккаб жарроҳлик операцияси амалга оширилди. Ушбу муолажа уч соатдан орттиқ давом этди. Операцияни андижонлик шифокорлар ва Россия тиббиёт фанлари академиясининг Н.Бурденко номидаги илмий-тектириш институти катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди А. Козлов билан ҳамкорликда бажарилди.

Олтинкўл туманида яшовчи 24 ёшли йигитни анчадан буюн оғир дард безовта қиларди. Маҳаллий шифокорлар йигитни хасталиқдан ҳалос этиш ниятида москвалик жарроҳчи тақлиф қилдилар.

— Шунинг алоҳида таққидлаш лозимки, — дейди республика «Шошилиқ тиббий ёрдам» илмий маркази Андижон виллоят филиали директори, профессор Эркин Жумабоев. — Андрей Козлов таниқли ва малакали мутахассис, кўпгина мамлакатларда амалиёт ўтаган. Ҳамкасбимиз тақлифи мизни қабул қилиб, Андижонга келди.

Операциядан сўнг, россиялик шифокор олим билан нейрорроҳлик бўлимида суҳбат бўлди. Ундан операция қандай ўтганини сўрадик. — Ҳаммаси кўнгилдагидек кечди, — деди россиялик шифокор.

Мазкур муолажалар ўта мураккаб ҳисобланади. Инсон миёсида жарроҳлик операциясини ўтказиш учун замонавий тиббий

асбоб-ускуналар, юқори малакали мутахассислар зарур бўлади. Бундай муолажанинг Андижонда бажарилиши катта муваффақият.

— Мен республика тиббиётида юз берган ўзгаришларга гувоҳ бўлдим. Тиббиётдаги ислохотлар жаҳон талабларига бемаъл жавоб беради. Бугун Ўзбекистонда беоморларга, шифокорларга яратилган шайроит мени қувонтирди. Менинг бу ташрифим ҳамкорлигимиз учун янги бир қадам бўлса кўпчилик билан ҳал қилади... Шунда маҳалладошлар бир-бирлари билан янада яқинлашди ва хилсизлашди...

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири



Обод маҳалла — мамлакат кўрки



Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

КЕНГ БЎЛСАНГ, КАМ БЎЛМАЙСАН

«Кенг бўлган кенг яшар»; «Кенг бўлган тенг яшар»; «Кенг бўлганга кам юкмас». Бу мақоллар билан: «Юраки кенг, кўнгли очик, қўли очик, саҳий одам эл-юрт ўтасида обрў-эътибор қозонади, ўзгаларнинг иззат-ҳурматига, сийловига, сазоватига сазовор бўлади», деган маънода насихат қилди.

КИМГА — ТҲЙ, КИМГА — АЗА

«Бировга — аза», «Кимга — бармоқ, Кимга — тирноқ», «Кимга — хой-хой, Кимга — вой-вой». Халқ бу мақолларни билан ўтмишдаги тенгсиз, адолатсиз ҳаётдан нолийди, унинг кирдикорларини кўрсатади.

КИЧИК ИШНИ БАЖАРМАЙ, КАТТА ИШГА КИРИШМА

«Ҳар бир ишни аввал кичикрогидан бошлаб, шунинг давомида уни синаб, ўзига хос томонларини ўрганиб, таҳриба орттириб борсанг, катта ишни бемаъл ва бекаму кўст қила оладиган бўласан. Бирданга катта ишни бошлаб қўйсанг, укувинг, таҳрибанг, ҳол-қудратинг етмай, бузиб қўйишинг, битказомай чала қолдиришинг, сарфлаган вақтинг, кучинг, ҳаракатинг, маблағинг зое кетиши мумкин», дейилмоқчи.

ЯНГИ ГУЗАР

Навоий. Қизилтепа тумани марказида яна бир гўзал маскан — «Қизилтепа» маҳалла гузари фойдаланишга топширилди. Уни бунёд этишда тадбиркор ака-укалар Нуриддин, Содик ва Асад Ҳабибовлар бошқиб бўлишди. Бу ерда эндиликда аҳолига сартарошхона, чойхона, меҳмонхона сингари 20 дан зиёд маиший хизмат турлари кўрсатилади.

«Ватан қаба қаби сажда-гоҳдир» дейишди, — дея гап бошлади гузар чойхоначиси Шавкат Раҳимов. — Маҳалламиз Ватанимизнинг бир гўзал гўшаси бўлса, гузаримиз унинг юраги, ақли, маслаҳатхонасидир. Каттаю кичик бу ерга келиб юрагиди тугиб юрган яхши ниятлар

ри ва азгу тилақларини одамлар билан ўртоқлашди, маслаҳатлашди. Бирор муаммоли гап бўлса кўпчилик билан ҳал қилади... Шунда маҳалладошлар бир-бирлари билан янада яқинлашди ва хилсизлашди...

Гузар бу кишиларнинг аҳил, иноқ, меҳр-оқибатли бўлиб яшашлари учун миллий кадритларимиз ва анъаналаримизнинг бамисоли мустаҳкам қўргони. Унинг айни «Обод маҳалла йили»да ишга туширилгани ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Негаки, бундан буюн бу ерда маҳалладошларимизнинг тўй-ҳашамлари ҳам бамаъни, баҳамжихат ўтади. 600 кишига мўлжалланган тўйхонамиз улар хизматида... Чойхона ҳам ҳаммаша гавжум. Ёшлар, қариялар бирдек ўзларининг бўш вақтларини шахмат-шашка ўйинлари билан ўтказишди. Маҳаллада бўладиган ҳар хил тадбирлар, хайри ишлар маслаҳати ҳам шу ерда батади...

Суратларда: гузарнинг олд кўринишидан лавҳалар. Собир ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар

Кимошди савдолари агентлиги ва республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали

2003 йил 26 декабрь ҳамда 2004 йил 2, 9 ва 16 январь кунлари кимошди савдоларини ўтказди: Кимошди савдосига куйидаги объект қўйилади: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигига қарашли Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хизматчи кўчаси, 96-уйда жойлашган «Капитал қурилиш бўлими». Бошланғич нархи — 689 110 сўм ёки 707,5 АҚШ доллари. Аукцион савдосига аризалар қабул қилиш савдолардан бир соат олдин тўхтатилади. Аукцион савдоси соат 11.00 да бошланади. Савдоларда қатнашиш учун объект нарҳидан 10% миқдорда закат пули тўланади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннахр, 16А. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Тендерная комиссия ГАЗК «Ўзбекистон темир йўллари»

объявляет тендер № 5 на приобретение дизеля типа 1-ПДГ4Д производства ОАО «Пенздизельмаш» без генератора в количестве 10 штук. За тендерной документацией обращаться по адресу: г. Ташкент, улица Т.Шевченко 7, ГАЗК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўленилгитаъмин», комната 410, телефон: 138-85-70, 138-88-03, 138-84-72.



Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования объявления в средствах массовой информации. «Муштум» журнали ва «Афанди» газетаси тахририяти бўлим муҳаррири Олимжон Ҳакимовга олган суратлар ва фотони муносабати билан чуқур таъзия изхор этади. АФИФА аяннинг

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

Tahrir Hay'ati:

- Abdulla Oripov, Abdulfazil Jalolov, Azimjon Ayupov, Aziz Nosirov, Ashur Qodirov, Bobir Alimov, Habib Sa'dulla, Norbobo Shakarov, Alimqul Sultonov, Andrey Orlov, Nomoz Sa'dullayev, Rahima Hakimova, To'lepbergen Qo'ipberganov, Abdug'ani Mamasaidov

MUASSIS:

O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi Markaziy Kengashi

BO' LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifat, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Nabvatchi: Revshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarmasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot O'qitmasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshlash qabul tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 0060 7621 nusxada bosildi

T — Tijorat materiallari Topshirish vaqti — 21.00. To'g'irlidi

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Спорт ОҚУЛНИНГ ҲИНД ДИЁРИДАГИ ГАЛАБАЛАРИ

Умидли теннисчимиз Оқул Омонмуродова шу кунларда Хиндистонда ўтаётган халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Дастлаб ҳамюртимиз Бомбей шаҳрида яқунланган ITF таснифидаги халқаро мусобақада галаба қозонди. Мукофот миқдори 25000 АҚШ доллари ташкил қилувчи мазкур турнирнинг аяқалик учрашувлари финалида Оқул хиндистонлик Лахманнинг катта устулиги билан енгди — 6/2, 6/3.

Кеча олинган хабарга кўра, икtidорли теннисчимиз хинд диёрида ўзининг навбатдаги галабасини нишонлади. Пуна шаҳрида ўтказилган совин жамгармаси 10000 АҚШ доллари бўлган халқаро турнирнинг хал қилувчи баҳслари О. Омонмуродова Вахариа(Хиндистон)ни доғда қолдирди — 7/5, 6/3.

Эслайтиб ўтамиз, икtidорли ракеткачимиз Оқул Омонмуродова ҳозирда WTA таснифининг кучли беш теннисчиси каторидан жой олиб турибди. Айни пайтда у Деҳлида ўтаётган яна бир йирик халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА

Аввал хабар қилганимиздек, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси шу кунларда Бангкок(Таиланд)да Осие чемпионати саралаш баҳсларида қатнашмоқда. Кеча футболчиларимиз саралаш босқучининг навбатдаги учрашувида Сянган терма жамоасига қарши майдонга чиқдилар.

дин келгуси йили Хитойда ўтайдиган Осие кубоги баҳсларига йўлланмани нақд қилди.

Таиланд — Тожикистон терма жамоалари учрашуви «А» гуруҳдан китъа чемпионати финал босқучи йўлланмаси учун даъвогар иккинчи жамоа номини аниқлаб бериши лозим эди.

Эркин ХОЛБОБОВ

Table with 7 columns: Team, Y, U, D, M, T-N, O. Rows: 1. Uzbekiston, 2. Thailand, 3. Tajikiston, 4. Sanyan.